• *Бугуннинг гапи*

# ...ЭРКИН ЁШ АВЛОДЛАР БИЗГА ЗЎР ҚАНОТ!

***Ҳозирги тарихий ўзгаришлар даврида ёшларимиз онгида, уларнинг тафаккурида қандай ўзгаришлар бўляпти? Ёшларда миллий ифтихор туйғуси қандай? Келажакда улар юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қодирмилар? Бу дангал саволларга жавоб топиш ва ҳар биримиз фаолиятимизни чуқур таҳлил қилишимиз лозимлигини ҳаёт талаб қилмоқда.***

Бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ҳозир таълим соҳасидаги ислоҳотлар туфайли республика таълим-тарбия муассасаларида (боғчадан тортиб то олий ўқув юртигача) ёш авлод ўз халқининг тарихи ва қадимий маънавий-маданий бойликларини мукаммал ўрганишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратилаяпти. Ўқув дастурлари Жаҳон андозалари асосида такомиллашиб бормоқда. Ҳар бир мактаб, ҳар бир институт ёки университетда янги ўқув йилининг биринчи дарси Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунига бағишланади. Баҳоли қудрат мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо, баъзи ёшларимизда мустақиллик, миллий ифтихор, Ватан ҳиссиётлари билан боғлиқ шижоат ва ҳаракат, асл ватанпарварлик хислатлари сезилмаяпти. Давлатимиз Мадҳиясини кўпчилик ўқувчи ёшлар ёддан билади ва мунтазам равишда дарс машғулотларидан олдин ижро этишади. Лекин давлат Мадҳияси оддий бир ашула эмаски, уни маромига етказиб, чиройли ижро этиш билан чекланилса. Биз Ўзбекистоннинг ёш фуқароларига уқтиришимиз лозимки, давлат Мадҳияси фуқароларнинг миллий онгию ғururини шакллантиришга, уларни янги-янги шижоат сари ундовчи улкан омилдир. Биз ана шу улуғ туйғуни қалбга жо эттиришимиз лозим. Ана ўшанда ёшларда ватанпарварлик хислатлари тағинда кучаяди ва улар мустақил давлатимиз равнақига равнақ қўшиш учун бутун вужудлари билан ҳаракат қилишади.

Бунинг учун нима қилиш керак? Аввало, биз таълим ва тарбия билан машғул ходимлар яхши тушунмоғимиз лозимки, миллий ифтихор, ватанпарварлик туйғулари ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Юзаки қарашлар, расмиятчилик бу масалада ҳеч қандай натижа бермайди. Ахир, халқимизнинг бутун бир авлоди собиқ иттифоқ тузумининг мафкураси таъсирида яшаб келган. Ва буни, албатта ҳисобга олиш зарур. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида қуйидаги гапларни бежиз айтмади: «Миллий тикланиш мафкураси ва умумбашарий қадриятларни ўрганишга асосланиши зарур бўлган таълим-тарбия, унинг янгича мазмуни тўғрисида беш йил гапирамиз. Тегишли вазирликлар, олий ўқув юртлари, кўп сонли педагог-олимлар ёш авлодни мутлақо янги сиёсий ва иқтисодий шароитларда ҳаётга тайёрлашнинг яхлит концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиб, давлат ва жамиятга тавсия эта олмаяптилар. Бундай аҳволни мустақил мамлакатимиз болаларига, ёш авлодга қарши жиноят деб баҳолаш керак. Фарзандларимиз ва ёшларимизга нафақат замонавий компьютерлар ва таълимнинг техник воситалари, балки биринчи навбатда она заминга ва унинг буюк келажагига содиқ бўлган юксак малакали педагоглар, устозлар керак».

Ривожланган давлатлар — Япония ёки Жанубий Кореядаги катта ўзгаришларни «мўъжиза», деб таърифлаб келамиз. Мўъжизанинг бош сабаби — тўғри тарбияда. Биз ҳам ана шу йўлда янада жипслашишимиз замон тақозоси эканлигини тушунишимиз керак. Бағри кенг ва меҳнатсевар, илмга чанқоқ ва ҳақпарвар ўзбек халқи ҳам, албатта ана шундай мўъжиза яратади ва вақти келиб, халқимиз ҳақида бутун дунё ҳавас билан гапиради.

Бундай эзгу ниятлар рўёбга чиқиши учун республикамизда барча зарур шароитлар яратилмоқда. Юртимизда демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиляпти. Қолаверса, Ўзбекистон ўз тараққиёт дастурига эга.

Бозор иқтисодиёти қоидалари ҳукмрон бўлган шароитда фуқароларда янгича тафаккур шаклланиши лозим. Эндиликда биз лоқайдлик, боқимандалик, ҳафсаласизлик каби иллатлардан ўзимизни халос этиб, ўтиш даврининг айрим қийинчиликларига урғу беравермасдан, ёш авлодни миллий тикланиш, миллий ифтихор ғоялари асосида тарбиялашга астойдил киришишимиз лозим. Тарих педагогларга, олимларга, маорифчиларга катта имконият яратмоқда. Агар миллатпарвар бўлишни истасак, шу имкониятдан вақтида фойдаланмоғимиз даркор. Ёшларга ибрат, ўрнак бўлишимиз керак. Акс ҳолда уятли аҳволга тушиб қолишимиз мумкин.

*Бағри кенг ўзбекнинг*
*ўчмас иймони,*
*Эркин, ёш авлодлар сенга*
*зўр қанот!*
*Истиқлол машъали,*
*тинчлик посбони,*
*Ҳақсевар она юрт,*
*мангу бўл обод!*

Бу сўзлар Ўзбекистон Республикасининг давлат Мадҳиясидан. Дарҳақиқат, уни ҳар бир ёш ёд билиши керак. Мадҳия ҳар бир ўқувчи ва талабанинг дилини пок, миллий туйғу ва онгини ўша мақсадга йўналтирадиган ўта жиддий куч.

Ёш авлодни тарбиялашда оила ва маҳалланинг роли ҳам катта. Она алласи қулоғига чалинган чақалоқнинг? шарқона урф-одатлар, расм-русумлар билан катта бўлган, тарбияланган боланинг иймони бутун бўлади. Болалар табиатдан, ён атрофдагилардан тарбия олишга мойил. Ёшликда болага нимани ўргатсанг, катта бўлганида ҳам шуни қилади. Болаликда ростлик, тўғрилик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар шакллантирилиб борилса, миллий туйғуларга ҳам замин яратилади.

Очиғини айтиш керак, баъзи оилаларда ота-оналар ҳанузгача ўз ўғилларини армия хизматидан олиб қолишга ҳаракат қиладилар. Ахир мустақил Ўзбекистон армиясида хизмат қилиш ёшлар учун шараф эмасми? Кўпчилик ана шундай деб ҳисоблайди ҳам.

Тарбия масаласида оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидениянинг ўрни беқиёс. Афсуски, телевидение дастурларида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялайдиган махсус кўрсатувлар саноқли. Улар ичида фақат «Ватанни севмоқ иймондандир» кўрсатуви яхши таассурот қолдиради. Уни мазмунан янада бойитиш зарур. Республика телевидениесининг «Ёшлик» студиясида масалани юрагидан ўтказиб ёш авлодга етказиб берадиган тележурналистлар кўпайса, деймиз. Миллий киномизда ҳам мустақиллик нафаси унчалик сезилмаяпти. Қани, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаёти, унинг бугунги қаҳрамонлари, миллий туйғунинг ва онг уйғониши ҳақида бадиий фильмлар яратилса.

Маълумки, темирнинг мустаҳкамлиги унинг ички тузилиши билан боғлиқ. Агарда, унинг ичида ғоваклар бўлса, у ташқи синовларга бардош бера олмай синади. Уни тобласа ҳам ичи мўрт бўлиб қолаверади. У мустаҳкам бўлиши учун уни тайёрлаш жараёнини бошқариш ва жиддий назорат қилиш зарур. Бу оддий қоида. Кўпол бўлса-да, ушбу қоиданинг ёш авлодни тарбиялашга тааллуқли жойи бор.

Ёш авлод тарбиясига алоҳида аҳамият бериш, ушбу фахрли ишда улуғ аждодларимиз, миллатпарвар-маорифчиларимиздан ўрнак олиш вақти келди. Ҳар бир ота-она, педагог ёш авлодни ватанпарварликка тинмай даъват этса ва буни ўзининг асосий бурчи деб билса, нур устига аъло нур бўларди.

**Алишер КАРИМОВ.**

• *Акс-садо*

# МУРОЖААТНОМА

**Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим**

Муҳтарам юртдошлар ва азиз ватандошлар!

Бугунги кунда жаҳон сиёсий саҳнасида Россия давлат Думасининг шу йил 15 мартда қабул қилган собиқ Иттифоқни тиклаш ва Беловеж ўрмонида имзоланган аҳдномани бекор қилишга қаратилган мантиқсиз ва ақл бовар қилмайдиган қарори катта шов-шувга сабаб бўлмоқда. Бу қарор миллий истиқлолни муқаддас билган барча халқларнинг ҳақли норозилигига дуч келмоқда.

Биз, Ўзбекистон мусулмонларининг намояндалари, ватанимиздаги барча ислом аҳлининг фикр-мулоҳазаларини тўла ифода қилган ҳолда том маънодаги ҳур ва эркин фуқаролар сифатида собиқ иттифоқни қайта тиклашга уринаётган бир гуруҳ кимсаларнинг номаъқул хатти-ҳаракатлари ҳамда бефойда уринишларини мутлақо қоралаймиз. Биз аминмизки, Думанинг бу ноқонуний ҳужжати буюк Россия ўлкасида истиқомат қилаётган кўп миллатли истиқлолпарвар халқларнинг, жумладан биз билан бир диндаги биродарларимиз азму қарорининг ифодаси эмас, албатта. Уни муайян шахсларнинг Россияда бўлажак президент сайлови олдидаги сиёсий ҳийлаю найрангларидан ўзга нарса эмас, деб англамоқ керак. Биз даҳрийлик мафкураси ҳукмрон бўлган жамиятда яшаб кўрдик. Унинг миллий қадриятларимиз, имону эътиқодимиз, эркимизни қанчалик поймол қилганини, таҳқирлаганини ва топтаганининг гувоҳи бўлдик. Биз инсоний ҳақ-ҳуқуқлар оёқ ости қилинадиган ҳаётга қайтишни ҳеч қачон истамаймиз. Аллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, миллий истиқлол туфайли унут бўлаёзган маънавиятимиз ва шарқона ахлоқу одобимиз қайтадан тикланмоқда.

Шу муносабат билан қиёслаш учун бир мисол келтиришни жоиз деб биламиз. Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон ҳудудида 70 та масжид, юз нафар толиби илм ўқийдиган иккита мадраса мавжуд бўлиб, Ҳаж маросимини адо этиш учун эса Ўзбекистондан атиги 4-5 нафаргина мусулмон Маккаи мукаррамага борар эди, холос. Ўзбекистон истиқлолга эришгунга қадар бирор мусулмон «Умра» маросимини адо этган эмас.

Эндичи, истиқлол шарофати ила мамлакатимиз ҳудудида минглаб масжидлар диний ибодатларимизни адо этиш учун хизмат қилмоқда. Диний мадрасалар ишлаб турибди. Хорижий мамлакатларда талабаларимиз ўқияпти. Бу йил 3500 нафар юртдошларимизни Ҳаж сафарига жўнатиш арафасидамиз. Улар учун Президентимиз ғамхўрликлари туфайли барча қулайликлар яратилган. Ҳар йили бир неча минг мусулмон «Умра»га бориб келаётир. Диний китоблар — Қуръони карим, Ҳадиси шариф тўпламлари ва бошқа исломий адабиётлар мусулмонлар ўртасида бемалол тарқатилмоқда. Булар истиқлол берган диний соҳадаги неъматларнинг бир томчисигина, холос. Ўлкамизда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жабҳаларда амалга оширилаётган мислсиз ислоҳотларни бир сўз билан ифодалаш қийин.

Биз, Ўзбекистон мусулмонларининг намояндалари, Аллоҳ таолонинг: «Аллоҳга, унинг пайғамбарига ва ўзингиздан чиққан раҳбарингизга итоат этинглар» (сура «Ан-нисо», оят 59), деган сўзига амал қилиб, барча юртдошларимизни Россиядаги бир ҳовуч сиёсатдонларнинг қарорини қоралашга ва истиқлолимиз раҳнамоси — муҳтарам Президентимиз олиб бораётган Ватанимизнинг буюк келажаги йўлидаги саъй-ҳаракатларни астойдил меҳнат ва собитқадамлик билан қўллаб-қувватлашга даъват этамиз.

***Ушбу мурожаатнома имом ал-Бухорий номидаги ислом маъҳадида бўлиб ўтган Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар ва толиби илмлар йиғилишида қабул қилинди.***

# ВАТАНДИН ЯХШИ ЁР ЎЛМАС

***Она Ватан! Бу калиманинг нақадар муқаддас ва азизлигини кўплаб алломаю, шоирлар таърифлаганлар. Лекин бундай таърифлар қанчалар кўп бўлса-да, бизнинг наздимизда шунчалик оздек туюлаверади. Ватан калимаси олдига Она сўзининг қўшиб айтилиши ҳам бежиз эмас...***

Ўзбекистон мустақилликка эришди. Бу халқимизнинг асрий армони эди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўз ватанидан айрилиб, ўзга мамлакатларда юрт мустақиллигини интизорлик билан кутиб яшаб келган минглаб ўзбеклар Ватан тупроғини юзларига босишни, ўз миллатини ҳурриятга эришишини, миллий маданиятимиз ва қадриятларимизнинг тикланишини интиқлик билан кутганлар. Ҳа, инсонга Ватандан яхши улуғ толе ҳаргиз топилмас экан.

Раҳматли бобом ҳожи Нишонбой 1893 йилда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида таваллуд топган. Бобом орқали мен она тилини ўргандим, ўз миллатимни танидим, миллий урф-одатларимиз жозибасини туйдим, тарихимиздан хабардор бўлдим. Миллатим, халқим, она юртим ҳақида олган барча маълумотларим бобомдан мерос қолган. У киши ватандан айрилиб, бегона тупроқ юзига қадам қўйди. Бу айрилиқ бобомни киндик қони тўкилган тупроқни янада қаттиқроқ севишга, миллий анъаналарни асраб, эъзозлашга ундаган бўлса, ажаб эмас.

Мен инглиз, немис ва форс тилларини мукаммал биламан. Қолаверса, Америка ёки Германия университетларида таълим олишга имконим, иқтисодий жиҳатдан қурбим тўла-тўкис етади. Лекин, она юртимга бўлган меҳрим туфайли озод Ўзбекистоннинг 1-Тошкент давлат тиббиёт институтига келиб таълим олишни афзал билдим.

Маълумки, Саудия Арабистонига барча мусулмон давлатларидан одамлар Ҳаж ёки Умра зиёратига келсалар, уларнинг байроғи араб тупроғида ҳилпираб туради. Афсуски, илгарилари бу байроқлар орасида Ўзбекистон байроғи кўринмас, Ҳаж сафарига келган одамлар орасида эса, ватандошларимиз жуда кам бўларди. Ва, ниҳоят мустақиллик шарофати билан ҳар йили Ҳаж ва Умра сафарлари вақтида минглаб ватандошларимиз бу юртга боришмоқда. 1992 йилда эса Президент Ислом Каримов Саудия Арабистонига қадам ранжида қилдилар. Бу ташриф ўша заминдаги барча ватандошларимиз қалбида ўчмас таассурот қолдирди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон раҳбариятининг турли соҳада олиб бораётган оқилона сиёсати Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишора эмасми?!

Бугунги кунда Россия коммунистлари томонидан ўртага ташланаётган собиқ СССРни қайта тиклаш ғояси кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Тарихни орқага қайтаришга уриниш бу. Ишончим комилки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда фақат олға қараб интилаверади!

Ўзбек халқи заминнинг қайси бурчагида бўлишидан қатъий назар, тинчлик, осойишталик, дўстлик ва ҳамкорлик тарафдоридир. Лекин Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатига, мустақиллигига, қолаверса, ўзбек халқининг озодлигига қарши қаратилган ҳар қандай сиёсатга мутлақо йўл берилмайди.

**Муҳаммад Исҳоқ Вали**
**ҲОЖИНИШОНБОЙ ўғли,**
**1-Тошкент давлат тиббиёт институти талабаси.**

# МЕХАНИЗАТОРЛАР СУЛОЛАСИ



**Фарғона туманидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалигида Козимжон Қорабоев номи изланувчан, тажрибали механизатор сифатида тилга олинади. Козимжоннинг отаси Эгамберди ака ҳам узоқ йиллар хўжаликда механизаторлик қилган. Козимжон вояга етгач, сира иккиланмай ота касби этагидан тутди. Шу касби боис эл-юрт ўртасида обру қозонди. Бугунги кунда унинг ўғли Дилшод ҳам техника билим юртини тамомлаб, механизаторлик касбини эгаллади.**

**Козимжон янгиликка ўч, ихтирочи механизаторлардан. Хусусан, у ихтиро этган культиватор бир йўла олти қатор ғўза орасига ишлов беради. Бунда албатта, ёқилғи, вақт тежалади, меҳнат унумдорлиги ўсиб, маҳсулот таннархи пасаяди.**

**СУРАТДА: Козимжон Қорабаев ўғли Дилшод билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

• *Зардали мактуб*

# ЎЗИМНИНГ ЧОПОНИМНИ ЎЗИМГА КИЙДИРИШДИ

***Халқимизда «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман», деган мақол бор. Мен ҳам бу хатни инсонлик қадрим эътиборга олинмаганлиги учун ёзишга мажбур бўлдим.***

Мен «Қашқадарёқурилиш» ва «Қашқадарё йўл қурилиши» трестларида 36 йил ҳалол меҳнат қилдим. Баъзи вақтларда ўн беш кунлаб уйга қайтмасдан ишлаганман. Бу ҳол ёзнинг жазирама иссиғида ҳам, қишнинг совуқ қаҳратонида ҳам давом этган.

Афсуски, пенсияга кузатиш чоғида бу меҳнатларим эътиборга олинмади. Чунки «Қарши йўл қурилиш» тресcти раҳбари П. Қурбонов нафақага кузатиш кунини белгилаб, бизларни рағбатлаштиришга ваъда берган эди. Бироқ ўша куни у киши қорасини ҳам кўрсатмади. Ўзим бозордан сотиб олиб келган чопонни ўзимга кийдириб, жўнатиб юборишди. Шундай қилиб, 36 йил оғир шароитларда ишлаган бир меҳнаткашнинг иззатини қилиш у ёқда турсин, икки оғиз ширин сўз ҳам айтишмади.

**Жўра ҚИЛИЧЕВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

# ОЛАМДА НИМА ГАП?

## БЕДАВО ДАРД

***Непалнинг ғарбий қисмида тарқалган номаълум касаллик туфайли 140 киши ҳалок бўлди, деб хабар қилди мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги.***

Мутахассисларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, касалликни аниқлашнинг имкони бўлмаяпти. Бу бедаво дардга чалинган беморни дастлаб қаттиқ йўтал тутади ва иссиғи ошади, бир икки кун ўтгач у ҳалок бўлади. Айни пайтда бир ярим минг киши ушбу касалликка йўлиққан, дейилади хабарда.

## ДЎППИ ТОР КЕЛГАЧ...

***«Тамил илама» — «Озодлик йўлбарслари» қуролли гуруҳлари яқин орада ҳукумат қўшинлари томонидан бутунлай тор-мор қилинади, деди Шри-Ланка Мудофаа вазирлиги вакили.***

Унинг таъкидлашича, бунинг учун ҳукумат етарли кучга эга. Жафна оролида қақшатқич зарбага учрагач, энди тамилчилар мамлакат бўйлаб тинч аҳолига нисбатан террорчилик ҳаракатларига ўтиб олди, деди у.



**СУРАТДА: Париж.**

## ҚЎШИНЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ, АММО УЗОҚҚА КЕТМАЙДИ

***Японияда чиқадиган «Иомиури» газетасининг ёзишича, Президент Борис Ельциннинг Чеченистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш ҳақида илгари сурган режалари урушнинг бутунлай тўхтаганини билдирмайди.***

Гарчи, федерал қўшинлар май ойига қадар Чеченистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилса-да, улар узоққа кетмайди, балки, Чеченистон чегараси атрофига жойлаштирилади. Бундан ташқари, Ж. Дудаев тарафдорлари ҳамон етарлича куч ва қурол-яроғга эга, дейилади шу мавзудаги хабарда.

## ВАЗИРНИНГ ФИКРИ ҚАТЪИЙ

***Германия ташқи ишлар вазири К. Кинкел Босния можароларида иштирок этаётган томонлардан зудлик билан ҳарбий асирларни озод этишни талаб қилди.***

Унинг таъкидлашича, Дейтон шартномасига биноан ҳарбий асирлар шу кунгача озод қилиниши керак эди. Бироқ, 96 нафар ҳарбий ҳалигача тутқинликда ушлаб турилибди. К. Кинкелнинг таъкидлашича, агар асирлар озод этилмаса 12-13 апрель куни Брюсселда собиқ Югославия Республикаларига ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишлаб ўтказиладиган халқаро анжуманда Германия вакиллари иштирок этмайди.

## ЯКДИЛЛИК ЙЎҚ

***Бангладешдаги кўплаб партиялар мамлакатдаги сиёсий беқарорликни бартараф этишда вақтли ҳукумат билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини маълум қилди.***

Бироқ, тартиб посбонларининг хабар беришича, мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида ҳамон Халқ лигаси партияси тарафдорлари билан Бангладеш Миллий партияси тарафдорлари ўртасида тўқнашувлар бўлиб турибди. Тўқнашувларда ҳатто ўтоचар қуроллардан ҳам фойдаланилган.

## ҲАРБИЙ КЕМАЛАР ТАЙВАН САРИ ОТЛАНИШДИ

***Францияда Тайван учун тайёрланиши кўзда тутилган олтита жанговар кеманинг дастлабкиси Лорьян бандаргоҳидан Жанубий Хитой денгизига қараб йўл олди.***

Кема ўта замонавий технология билан жиҳозланган бўлиб, уни душман радарлари ҳам илғамайди. Кема олти ҳафтада Тайваннинг Гаосюн портига етиб келади ва бу ерда жанговар қуро-яроғ билан жиҳозланади.



**СУРАТДА: Вьетнам. Қадимий Будда ҳайкали.**

## ВЕРТОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

***Исроил ҳарбий ҳаво кучларига қарашли вертолёт ҳалокатга учради, натижада 7 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, икки нафари эса жароҳатланди.***

Учувчилар жанговар машқ ўтаётган пайтда вертолёт тўсатдан қулаб, ёниб кетган. Мамлакат ҳарбий ҳаво кучларида сўнгги ҳалокат ўтган йилнинг август ойида юз берган. Ўшанда Ф-15 қирувчи самолёти Негев дашти осмонида лайлаклар галасига урилиб қулаб тушганди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

